

КЎП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бир минтақада жойлашган мамлакатларнинг кўп томонлама амалий алоқалари, юзага келадиган глобал муаммоларга ҳамкорликда ечим топиши ва иқтисодий ёлдан ривожлантиришда ўзаро имкониятлардан унумли фойдаланиши ҳамкор давлатлар манфаати, жаҳон бозоридан ўз ўрни ҳамда нуфузини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Муносабат

Бинобарин, жаҳонда рўй бераётган иқтисодий инқирозлар, пандемия ва экологик мувозатга дарз етиши каби бир қатор масалаларни ҳамжihatликда ҳал этиш учун тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)да Ўзбекистон ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Шу йилнинг 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида Президентимиз иштирок этди ва унда ИХТни жадал ривожлантириш ташкилот сифатида мустахкамлашга қаратилган кўп томонлама шериклигини янада кенгайтириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни савдо, транс-

порт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлик, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва мамлакатларимиз иқтисодиётининг жаҳон бозоридан ривожлантириш масалалари кизгин муҳокама қилинди. Мамлакатимиз етакчиси ўз нутқида ташкилот доирасида кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлаб, қатор тақлифларни илгари сурди. Хусусан, ташкилот доирасида янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, мазкур ҳужжатда савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда долзарблиги тобора ошаётган электрон савдонини кенг тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш учун юқори даражадаги Экспертлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Умуман, глобал иқлим тобора долзарб бўлиб, "яшил иқтисодиёт"га ўтишни тақозо этаётган шу кунларда ИХТнинг ўзаро ҳамжihatликда савдо тарафдорларида экологик тоза ва ресурстежамкор технологияларни кенг тақлиф қилиш, авиақатновлар географиясини кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш каби қатор лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлаётгани қувонarliдир. Энг муҳими, жонажон Ўзбекистонимизнинг қўшни ҳамда минтақадаги кўп давлатлар билан дўстона муносабати ва иқтисодий ҳамкорлиги юртимизнинг гуллаб-яшнашида, жаҳон ҳамжihatиятида ўз ўрнига эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан ола-сингилларимизга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ҳолати, улар ўртасида кўп учраётган касалликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахбороти тингланди.

Эшитув


Тавқидланганидек, бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудидида жами 16,5 миллион хотин-қизга 226 та стационар туғуруқ муассасаси томонидан тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Айни пайтда вилоятлар перинатал марказларида иختисослаштирилган ва юқори технологияли каминваз гинекология бўлимлари ташкил этилди. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида туғиш ёшидаги 8,9 миллион аёлнинг 6,4 миллион нафари тиббий кўриқдан ўтказилган бўлиб, улардан 40,9 фоизда экстрагенитал касаллик-

лар аниқланди. Эътиборлиси, уларнинг 85,7 фоизи амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштирилди. Худудлардаги 207 та кўп тармоқли марказий поликлиникада "Аёллар маслаҳатхонаси" бўлимлари, "Пренатал скрининг хонаси" ҳамда "Қизлар саломатлик маркази" самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Мамлакат ҳудудларида тор соҳа шифокорларини жалб қилган ҳолда 5 минг 818 та тиббий бригада ёрдамида "аёллар дафтари"га киритилган 162 мингга яқин хотин-қизлар тўлиқ тиббий кўриқдан ва скрининг текширувдан ўтказилган. Республика ва вилоят марказларидаги шифохо-

наларда касалликнинг турига қараб ордер билан даволанган ва амбулатор шaroитда соғломлаштирилган, дори-дармон берилган ва турли хил тиббий хизматлар кўрсатилган. Тадбирда соҳада учраётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, бугунги кунда тиббий муассасалар мутахассислари томонидан фуқароларни, жумладан, ҳомиладор аёлларни репродуктив саломатлигининг бузилиш хавфи ва унинг реабилитацияси ҳақида хабардор қилиш ишлари манзилли ташкил этилмаяпти. Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, аёллар ўртасида кўп учраётган касалликларнинг олдини олиш бўйича қурилаётган чоралар эса етарли эмас. Эшитув яқунлари бўйича Сенат қўмитасининг қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ – ЎЗБЕКИСТОНДА



Марказ ижрочи директори Элдор Туляков меҳмонларга "Тараққиёт стратегияси" маркази фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, марказда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ҳамкорлар билан мустахкам алоқа ўрнатилгани, турли масалалар бўйича очик муносабат ва иқтисодий ҳамкорлик тарафдорлари билан ташкил этиб борилиши таъкидланди. Тадбирда нуфузли халқаро ташкилот вакилининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистоннинг бу борада олиб бораётган саяёҳаракати халқаро майдонда эътироф қилинаётганидан далolat экани қайд этилди.

Умуман, мамлакатимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши Ўзбекистон ҳукумати ушбу масалага жуда жиддий қараётганидан далolat. Зеро, республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Шу боис юртимизда ёшларни авайлаш, уларни ёт гоилардан ҳимоя қилиш, жумладан, кибертерроризм асосида ўғил-қизлар онгини заҳарлаш ҳолатларидан оғоҳ бўлиш зарурлиги эътироф этилди.

БМТ вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов билан ҳам учрашди. Сўхбат чоғида меҳмонларга Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб бораётган илгарилик ва кенг қўламли ислохотларини, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустахкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, ушбу йўналишларда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар хусусида маълумот берилди.

Делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, фракциялар ва қўмиталар иш ушбу хусусида ҳам батафсил ахборот олдилар. Таъкидланганидек, террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга алоқадор фуқаролар мувожаатини кўриб чиқиш учун Бош прокурор раислигида Республика идораларига комиссия ташкил этилди. Комиссия ҳуросаси асосида фуқаролар жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белги-

ланди. Президентимиз ташаббуси билан у ёки бу даражадаги турли гуруҳларга алоқадор ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг "махсус рўйхати"дан чиқарилди, бундай "рўйхатлар"ни юритиш амалиёти тугатилди. 2019 — 2021 йиллар давомида "Меҳр" гуманитар операцияси доирасида Сурия ва Ироқ ҳудудларида оғир аҳволда қолган, асосан, болалар ва аёллардан иборат 530 нафардан зиёд Ўзбекистон фуқаролари Ватанга қайтарилди. Уларга тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, тинч ҳаётга қайтиш, жамиятга мослашиш учун зарур шарт-шaroит яратилди, уй-жой ва иш бериш чоралари кўрилди. Учрашув чоғида кейинги беш йилда сиёсий-ҳуқуқий ҳамда судлов тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳам эътироф этилди. Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашув якунида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Шу кунги хорижий ташкилот вакиллари билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Адлия вазирлигида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. БМТнинг терроризмга қарши курашиш шaroитида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, асосий эркинликларини илгари сурди бўйича махсус маърузачиси Фионуала Ни Аолайн бошчилигида делегациянинг мамлакатимизга ташрифи давом этипти.

Сандмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ДЕҲҚОН КОСАСИННИ ОҚАРТИРАДИГАН ТИЗИМ

Кластернинг яна бир афзаллиги аҳоли бандлигини таъминлашда кўзга ташланмоқда. Чунки ҳар 100 гектарда 15 — 25 нафар киши доимий иш билан таъминланади, уларга меҳнат дафтари очилиб, ойлик маош берилиши керак. Афсуски, фермер хўжаликларидида бунинг уддасидан чиқилмагани оқибатида чекка ҳудудларда ишсизлик масаласи энг оғриқли муаммага айланганди. Кластер усулига ўтилган, одамлар йил — йил икки ой иш билан таъминланди, меҳнатига яраша ҳақ берилмоқда. Бугун улар қишлоқ хўжалигидаги кластер ислохоти самараларини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Шавкатжон Шамсидинов исмли фермер билан гаплашганимизда кластерлар ташкил топгани тўғрисида деҳқон ишчилар қўли бугунги кунда пул кўраётганини фахр ва қувонч билан тилга олди.

— Агар, мендан йигирма йил олдин қайси қишлоқ хўжалиги эканини етиштириш керак, деб сўрашса, сўзсиз, пахта демаган бўлардим, балки бошқа экинларни, масалан, мева-сабзавотларни кўпайтириш керак дердим, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов. — Чунки чиндан ҳам, ўша пайтларда пахтанинг турган-битгани зарар эди. Ҳозир эса фикрим бошқача. Охириги беш йилда Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орасида пахта энг даромадлисига айланди. Нима учун? Масалан, битта кўйлакнинг оғирлиги 85 грамм. Бир килограмм пахтаимиздан ўн та яқин кўйлак чиқади. Уларни беш доллардан сотадиган бўлсак, ўн та кўйлак 50 доллар бўлади. Энди эътибор қилинг, юртимизда етиштирилган пахта хом ашёсидан камиди бир миллион тонна тола олинади. Бу — 50 миллиард доллар, дегани. Агар биз уни янаям чуқур ишлайдиган бўлсак, фақат пахтачиликнинг ўзидан 100 миллиардгача даромад қилиш мумкин. Мана, уйғонди даврига битта мисол. Буни бемалол уддалаш мумкин. Масалан, Вьетнам пахта экмайди, лекин ҳар йили 50 миллиард доллардан кўп пахта-тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилади. Бангладеш ҳар йили тахминан 10 — 12 минг гектар ерда пахта етиштириб, 40 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилади. Бизнинг нимамиси кам?! Ахир, ҳамма пахта бизда-ку?!

Президентимиз кластерлар ташкил этиш гоёсини илгари сурганининг асл сабаби нимада? Аввало, пахтани чуқур қайта ишлашга ўтиш. Чунки буни йўлга қўйсақ, пахтадан кўра яқин даромад берадиган соҳа бўлмайди. Бироқ буни тизимли, тартибли равишда амалга оширишимиз керак. Биринчидан, ерларимизнинг ҳолатини яхшилаб, таркибини "созлаб" олишимиз, иккинчидан, сув тежовчи технологияларни қўллашимиз керак. Учинчидан, ҳамма пахта машинада териб олиниши лозим. Буларнинг ҳаммаси эса илм, инновацияни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида айтилганидек, кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз мана шу.

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Мавриди келганда айтиш жоизки, кластерлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. У иқтисодий ривожланиш, иختисослашувлар тақсими ва ишлаб чиқариш кооперацияси жараёнида чуқур стратегияга таянган ҳолда юзага келган инно-

вацион тузилмадир. АҚШдаги мамлакат электроника ва ҳисоблаш техникаларининг қарийб ярми жамланган Силикон vodiysi. Калифорниядаги дунёга машур узумчилик ва виночилик кластери бунга ёрқин мисолдир. Европа комиссияси 2006 йилдаги кластерларга бор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Хусусан, кўча қишқирини қатор мамлакатлари ўзларининг инновацион дастурларини шакллантиришда ҳамон кластер усулидан самарали фойдаланмоқда. Зеро, қаердаки ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини юксалтириш асосида янги бозорларда чиқиш зарурати ёки имкониятлари мавжуд бўлса, айнан ўша ерда илм ва амалий самарага асосланган кластерлар яратилади.



Юртимизда ҳам худудлар иқтисодиётини кўтариш, чекка жойларга саноатни олиб кириш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерлар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир. Тан олишимиз керак, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги узок муддат эски қиллиларга қолиб кетди, соҳага янги ёнғача ёнғача, "ноу-хау"лар деярли тақлиб этилмади. Имкониятлардан самарали фойдаланмаслик оқибатида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари тушиб кетди. Хом ашёни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғullanuvчи бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий-иқтисодий муносабатларга, фаолият самарадорлиги ва рақобатбардорлик кўрсаткичларига жиддий пулур етди, фермерларда ерга эгалик ҳисси йўқолди, қишлоқ меҳнатқашларининг моддий манфаатдорлиги, келажакка ишончи пайсасиди. Фақатгина кейинги йилларда соҳага янги нафас олиб кирилиб, кластерлар пайдо бўлган,

деҳқон ва саноатчиларнинг манфаатлари муштараклаштириш, етиштирилаётган хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳалқаси вужудга келди. Давлат, бизнес ва меҳнатқашлар бирлашган жойда эса фақат халқ ютади, жамият раванқ топади, ҳар қандай мураккаб синовларни енгиб ўтиш анча осонлашади.



Ҳозирда мамлакатимизда жами 1 031,5 минг гектар пахта майдони мавжуд бўлиб, шундан 866 минг гектари 28,3 минг нафар фермерга, 165,6 минг гектари кластерларга ижара ҳуқуқи асосида бириктирилган. Айнан кластерларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига кириб келиши пахта етиштиришга бўлган муносабатни ўзгартирди. Янаям соддароқ айтганда, пахтани хом ашё эмас, тайёр маҳсулот сифатида сотишнинг самараси ҳаётини мисолларда исботланди.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР КЎЙИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигида ўзгаришлар катта. Мазкур соҳага, айниқса, кейинги беш йилда қаратилаётган

эътибор қўлами ниҳоятда кенг. Иқтисодиётни бутун танага қиёслайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги унинг бош бўғинидир. Шу маънода, деҳқончилик маданияти юксалса, қишлоқлар инфратузилмаси ҳам ривожланиб бораверади. Дейлик, бир кластер қайсида қишлоқда қайта ишлаш корхонаси ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйди. Бу, табиийки, ўша худудда савдо дукони, автомобилларга хизмат кўрсатувчи сервислар, сарторшоҳна, бозорча, ошона каби кичик-кичик тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлишига замин яратди. Одамлар ишли бўлади, турмуши, яшаш шaroити яхшиланади.

Бир мисол. Риштон туманидаги "Rus O'zbek Tex" пахта-тўқимачилик кластери томонидан замонавий тўқимачилик корхонаси бунёд этилмоқда. Мазкур фабрикада кластер далаларида етиштирилган пахта хом ашёси чуқур қайта ишланиб, калава ип, чойшаб ва момиқ сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳа қиймати 37,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган фабрика қурилиш ишлари 2021 — 2022 йилларда якунланиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Зарур дастгоҳ ва ускуналар эса Хитой давлатидан олиб келинади. Корхона ишга туширилган, 1 минг 100 та иш ўрни очилиб, яқин худудда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари жалб этилади. Демак, туман аҳолисиндан шунча киши мумкин иш жойи ва доимий даромад манбаига эга бўлади.

Эътиборлиси, ушбу тўқимачилик фабрикаси ёнида "Янги Ўзбекистон" даҳаси қад ростлайди. Айни пайтда мазкур худудда кўп қаватли уйлар барпо этиш ишлари бошлаб юборилган. Қўрғасими, биргина кластер тизими қанчадан-қанча имкониятларни юзага чиқаряпти. Қишлоқлар обод бўлишига замин яратяпти. Янги Ўзбекистон деярли, учинчи Ренессанс деярлими. Унинг пойдевори мана шу эмасми?! Чунки битта соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳаларга ёйилапти. Аслида, Ренессанс биргина тармоқ ёки соҳада намоён бўлиб қолмайди. У ҳамма соҳани қамраб олади ва уни ҳамма-ҳамма сезиши, ҳис қилиши керак. Албатта, Ренессанс бир-икки йилда амалга ошадиган ҳодиса эмас. Эҳтимол, бунинг учун йиллар, балки асрлар талаб этилар. Аммо бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, ундан кўзланган улғу мақсадлар ана шунга қаратилган. Бинобарин, мамлакатимизда ўтган беш йилда жуда катта ишлар бажарилди. Ҳар бир соҳадаги ўзгаришларга инқилобий, деган таъриф жуда мос. Ана шу соҳалардан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, у учинчи Ренессансининг таянч устунларидан бири бўлиши қутулмоқда. Шу маънода, аграр соҳада кластер усулига ўтилиши навбатдаги Ренессансга пойдевор бўлиб хизмат қилади, десак, муболага эмас. Зеро, кластер шарофати билан пахтанинг қора қўлчанлари йўқолиб, у энг катта даромад келтираётган соҳага айланади. Энди халқимиз пахта, деган экин бошга битган бало эмаслигини англамоқда. Одамлар туманимиз, вилоятимиз ёки республикамиз қачон "план"ни тўлдиран экан, деб ҳар кун телевидорда бериладиган ҳисобот-жадвални интиқлик билан кутаётгани ҳам йўқ. Энди пахта терими, деб киш қўнларига чалада ҳам қолиб кетмайди. Нега? Чунки бугун пахта сиёсат эмас, балки сардаромад экинга айланади. Бу Президентимиз илгари сурган инновацион гоё, ҳаётини ва халқини сиёсатнинг тотли мевасидир.

Ўттир РАҲМАТ.

